



## ЎЗБЕК МАТБУОТИДА СПОРТНИНГ ЁРИТИЛИШИ: ТАРИХИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

---

*Жалолов Қобилжон Козимжон ўгли  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий  
коммуникациялар университети  
Олий журналистика курслари йўналиши  
II курс магистранти  
Ўзбекистон, Тошкент ш.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон матбуотида спорт мавзуси қачондан бошлаб ёритилгани ҳақида сўз боради. Мақолада босма нашларда спорт мавзусининг ёритилиши, тарихи ва газета саҳифаларида хабар ҳамда мақолаларнинг чоп этиш усуллари, хусусиятлари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Спорт, “Правда Востока”, “Шарқ физкультурачиси”, “Ўзбекистон физкультурачиси”, газета, босма нашрлар.

### ОСВЕЩЕНИЕ СПОРТА В УЗБЕКСКОЙ ПРЕССЕ: ИСТОРИЯ И ХАРАКТЕРИСТИКИ

**Аннотация:** В данной статье рассказывается о том, когда тема спорта освещалась в прессе Узбекистана. В статье описывается освещение спортивной темы в печатных изданиях, история, способы и особенности публикации новостей и статей на газетных страницах.

**Ключевые слова:** Спорт, “Правда Востока”, “Шарқ физкультурачиси”, “Ўзбекистон физкультурачиси”, газета, печатные издания.

### COVERAGE OF SPORTS IN THE UZBEK PRESS: HISTORY AND CHARACTERISTICS

**Annotation:** This article talks about when the topic of sports has been covered in the press of Uzbekistan. In the article, the coverage of the sports topic in printed publications, the history, and the methods and features of publishing news and articles on newspaper pages are disclosed.

**Key words:** Sport, “Правда Востока”, “Шарқ физкультурачиси”, “Ўзбекистон физкультурачиси”, newspaper, printed publications.



Газетачиликка асос солинганига беш юз йилга яқин вақт бўлди. Шу давр мобайнида газета чиқариш техникаси ва технологияси юксак даражада тараққий бўлган узун ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Босма нашрлар пайдо бўлгандан бошлаб то шу кунга қадар бўлган газетачилик анъанаси – оддий тош босма усулидан то компьютер технолоиясигача ўзгарган бўлса-да, унинг ахборот тарқатиш, жамиятни муҳим ахборотлар билан таъминлашдан иборат муҳим вазифаси сақланиб қолди.

Ўзбекистон матбуоти ҳақида гап кетар экан, албатта, Туркистон ва жадид журналистикасига тўхталамиз. Туркистонда миллий матбуот тараққиёти янги босқичга кўтарилган ва муайян тажриба тўпланган давр – 1906-1913 йиллар оралиғида ҳам газеталарда “спорт” сўзини учратмаймиз. Чунки бу даврда Маҳмудхўжа Бехбудийдан тортиб, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаевгача – барча зиёлиларнинг бор диққат-эътибори миллий матбуот орқали уйқудаги миллатни уйғотиш, озодлик нима эканини ўз халқи онгига сингдиришга қаратилган эди.

Ўзбек матбуотида спорт мавзуси асосан 20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошларида учрай бошлайди. Мактабларда дастлаб фақат ҳарф ўргатиш орқали инсонлар саводини чиқариш долзарб вазифа саналган. Шу боис мактабларда жисмоний тарбия фанини ўқитиш масалалари фақатгина 30-йилларнинг ўрталарида кўтарилган.

Тошкентда чоп этиладиган “Правда Востока” газетасининг 1927 йил 1 июль сонидан рус тилида чиқадиган газетанинг 3-саҳифасида “На среднеазиатском шахтурнире” сарлавҳали хабарда Тошкентда Ўрта Осиё давлатларидан келган шахматчилар ўртасида турнир ўтказилаётгани ҳақида<sup>1</sup>, шунингдек, яна ўша газетанинг 3-бетида “Физкультура” сарлавҳали хабарда Сариоғочда футбол майдони ташкил этилгани тўғрисидаги ахборот берилган. Газетанинг июль ойи сонларида Тошкентда ўтказилаётган шахмат турнири ҳақидаги хабарлар, айрим сонларида ушбу ўйинларнинг қисқача шарҳлари берилган. Газетанинг 1927 йил 11 сентябрда чиққан 207-сонидан “Тошкент. Бугун кечқурун соат 5 да КИМ номидаги стадионда радистлар ва Тошкент терма жамоаси ўртасида футбол матчи ўтказилади”, деган қисқа хабар, ҳозирги тил билан айтганда, анонс чоп этилган.

Кейинчалик “Правда Востока” газетаси саҳифаларида катта ҳажмдаги хабарлар, мақолалар чоп этила бошланган, жумладан, 1927 йили Тошкент

<sup>1</sup> Гаффарова Н. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида спорт журналистикасига ихтисослашув муаммолари. Маг. дис.- Тошкент 2013



шаҳрида биринчи марта катта мусобақа – Бутун ўзбек спартакиадаси ташкил этилган. Газетанинг 12 сентябрь сонидида “8 сентябрь куни Ким номидаги стадионда 200 кишини жалб қилган бутунўзбек спартакиада мусобақалари бошланди” сарлавҳаси остида хабар чоп этилган. Газетанинг 6, 7 октябрда нашр қилинган сонларида спартакиада натижалари, велопоёға, теннис, баскетбол, волейбол, енгил атлетика мусобақалари кундалиги бериб борилган.

11 октябр сонидида эса Тошкентда халқаро велопоёға бўлиб ўтгани, шунингдек, Ўзбекистон округлари терма жамоаси ва Тошкент шаҳри терма жамоаси ўртасида футбол ўйини ўтказилгани ва унда Тошкент терма жамоаси рақибидан 6:1 ҳисобида устун келгани ҳақидаги хабарлар эълон қилинган.

Босма нашрларда чоп этилган хабарларни ўқиб шундай хулосага келиш мумкинки, ўзбек матбуотида ўтган асрнинг 20-йиллари охирида спорт нашрларига эҳтиёж пайдо бўла бошлаган. Чунки бу пайтга келиб, Ўзбекистон аҳолиси ҳам матбуотнинг таъсир кучини чуқурроқ англай бошлаган эди.

XX асрнинг 30-йиллар бошида аниқроғи, 1932 йил июнида “Физкультурник Востока” (“Шарқ физкультурачиси”) номи билан Тошкентда илк спорт нашри дунё юзини кўради. Ҳозирда “Спорт” газетаси номи билан нашр этилаётган бу газета 1934-1939, 1953-1991 йилларда “Ўзбекистон физкультурачиси”, “Физкультурник Узбекистана” номлари билан чоп этилган. 1991 йил 3 январдан бошлаб “Спорт” газетаси номи билан нашр этилмоқда<sup>2</sup>. Бугунги кунда газетанинг асосий вазифаси – Ўзбекистон ва жаҳондаги спорт воқеалари, мусобақалар, жисмоний маданият, соғлом турмуш тарзи ва олимпиада ғояларини кенг тарғиб қилишдан иборат. “Соғлом авлод учун”, “Довруғи дунёга дostonлар”, “Олимпия умидлари”, “Яшил майдон”, “Болалар спорти” каби доимий рукнларда материаллар эълон қилиб келмоқда. Газетанинг ўзбек ва рус тилларида кенг оммалашувида Ҳамид Тожибоев, Эркин Жабборов, Юрий Ковалёв, Альберт Назарянц, Евгений Романика, Сафар Остонов, Татьяна Кистанова, Ахбор Имомхўжаев, Асрор Мўминов каби журналистларнинг ҳиссаси катта бўлди. 1993 йилдан ушбу газетанинг иловаси – “Ўзбекистон футболлари” газетаси ҳам наш қилинди. “Спорт” газетасининг вилоятларда ҳам ўз мухбирлари фаолият юритади. Бугунги кунда “Спорт” газетасининг ўзбекча нашри 3 мингга яқин, рус тилидагиси 2500 га яқин нусхада чоп этилмоқда.

<sup>2</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Sport\\_\(gazeta\)](https://uz.wikipedia.org/wiki/Sport_(gazeta))



Мустақиллик даврига қадар Ўзбекистонда газеталар сони жуда кам эди. Яъни 1991 йилда юртимизда жами 395 та оммавий ахборот воситаси фаолият юритган бўлса, уларнинг атиги тўрт ёки бештаси марказий газета ҳисобланарди. Муштарийлар асосан “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”), “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”), “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Правда Востока” каби газеталарга обуна бўлишар, бу газеталар юз минглаб, ҳатто миллион нусхаларда нашр этиларди<sup>3</sup>.

Спорт мухлислари эса “Ўзбекистон физкультурачиси” газетаси орқали спорт оламидаги воқеалар, янгиликлар, хабарлардан воқиф бўлишарди. Бу газета ҳам қуруқ ҳисобот, таҳлили бўш, зерикарли мақолалардан иборат бўлганини кузатиш мумкин. Агар газетанинг фаолият тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда спортга оид воқеа-ҳодисаларни ёритишда коммунистик партия талаблари устувор эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, газетанинг 1954 йил 1 январда чоп этилган 1(329)-сонидан қуйидагиларни ўқиймиз:

*“1953 йилда: 5 СССР спорт мастери, 133 биринчи разрядли спортчи, 768 иккинчи разрядли спортчи, 4824 учинчи разрядли спортчи, 2334 ёшлар разрядига эга бўлган спортчи етиштирилди. Ўзбекистон рекордлари таблицасига 117 тузатиш киритилди”*<sup>4</sup>, дея қуруқ рақамлар берилган, холос. Ушбу соннинг ички саҳифаларида ҳам муштарий қизиқиб ўқийдиган материаллар йўқ. Барча материаллар фақат ахборот характерига эга эди. Газетанинг шу йил 21 январь сонидан қуйидаги қисқа хабарлар чоп этилган: “Институтнинг энг яхши баскетболчилари” сарлавҳали мақоласида *“Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти биринчилиги учун ўтказилган баскетбол мусобақаси тамом бўлди. Бу мусобақада тўртта қизлар ва ўн та эркаклар командаси қатнашди. Эркаклар ўртасида биринчи ўринни жисмоний тарбия факультетининг IV курс студентлари олди. Хотин-қизлар командалари ўртасида рус тили ва адабиёти факультетининг баскетболчилари голиб чиқди”* мазмунидаги хабар бор, ушбу хабарда эътибор қаратиш лозим бўлган икки жиҳатни айтиш мумкин. Биринчиси, ҳар икки хабар қамрови жиҳатидан туман газетасида чоп этишга лойиқ даражада бўлса, иккинчиси эса, ҳар икки хабарнинг муаллифи русийзабон кишилар томонидан тайёрланганлиги билан белгиланади. Айниқса, иккинчи жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш керакки, руслаштириш сиёсати туфайли

<sup>3</sup> <https://shosh.uz/uz/toshkent-gazetalari-tarixi/>

<sup>4</sup> “Ўзбекистон физкультурачиси” газетаси, 1954 йил 1 январь, 1(329)-сон.



“Ўзбекистон физкультурачиси” газетаси тўлалигича “Физкультурник Узбекистана” газетасининг таржима варианты бўлган. Шу боис, “Ўзбекистон физкультурачиси” газетаси муаллифлари ҳам фақат русийзабон журналистлар бўлишган. Бу, бир томондан, собиқ шўролар сиёсати билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, бизда журналистика соҳа сифатида энди ривожланаётган, ихтисослаштириш масаласи кун тартибида муҳим бўлмаган, деган тасаввурни беради. Газетада спорт хабарлари фақат таржима қилиб берилгани боис, берилган материалларда имло ва услубий хатолар кўп учрайди. Газетанинг 1954 йил 23 декабрь сонидаги қуйидаги хориж спортига оид хабарни ўқиш жараёнида бунга гувоҳ бўлдик.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Гаффарова Н. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида спорт журналистикасига ихтисослашув муаммолари. Маг. дис.- Тошкент 2013
- 2 [https://uz.wikipedia.org/wiki/Sport\\_\(gazeta\)](https://uz.wikipedia.org/wiki/Sport_(gazeta))
- 3 <https://shosh.uz/uz/toshkent-gazetalari-tarixi/>
- 4“Ўзбекистон физкультурачиси” газетаси, 1954 йил 1 январь